

## АДАБИЙ-ТОПИЛДИҚ

### НАВОИЙ ВА АТОУЛЛО

Шарқ халқлари, шу жумладан тожик халқи адабиёти ва маданияти тараққиётида Алишер Навоийнинг хизмати ғоят улкандир.

1493 йилда “Бадоеъ-ус-саноеъ» номли адабиётшунослик соҳасида улкан воқеа бўлган муҳим асар вужудга келди. Бу асарни Алишер Навоий маслаҳати билан Атоулло Маҳмуд Ҳусайни ёзган. Мазкур асарнинг мавжудлиги кейинги вақтларда маълум бўлди. Навоий ва Атоулло ҳаётликлари вақтидаёқ китоб ҳолига келтирилган бу асарнинг бир нусхаси Самарқанд шаҳрида топилди ва у мазкур шаҳарнинг санъат ва маданият тарихи музейида сақланмоқда.

Атоулло ўзининг пушти паноҳи ва умуман адиблар, ҳунармандлар, барча бечораларнинг ҳомийси бўлган А. Навоий ҳақида қимматли маълумотлар келтириб, унга ўзининг самимий миннатдорчилигини баён қилади. Ўз навбатида Навоий ҳам «Бадоеъ-ус-саноеъ» ва унинг муаллифи ҳақида илиқ сўзлар айтади ва юксак баҳолайди.

Куйида биз ана шу масалалар ҳақида суҳбатлашмоқчимиз.

С. Айний, Е. Бертельс, А. Мирзоев ва бошқа адабиётшунос олимлар Алишер Навоийнинг ўз асарлари ҳамда лутфу меҳрибонлиги, моддий ва маънавий ёрдами билан тожик халқининг адабиёти ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшганлигини таъкидлашади. Навоий узининг қисқа, лекин ғоят баракали умри давомида бир қатор шоирлар, ёзувчилар, олимлар, тарихшунослар, рассомлар, хаттотлар, санъаткорларни тарбиялаб камолга етказди. Ана шундай кишилар орасида Атоулло Маҳмуд Ҳусайни (1513 йилда вафот этган) ҳам бор

эди. Атоулло аслида нишопурлик бўлиб, ёшлигида Ҳирот шаҳрига келади ва шу ердаги мадрасада таълим олади. У, болалик чоғларидаёқ ўз истеъдоди билан кишиларни ҳайратга қолдирадиган даражада пишиқ эди. Улғайгани сари ақлу заковати ҳам ўсаборган Атоуллога Алишер Навоий юксак ҳурмат билан қарар ва кейинчалик ўзининг яқин суҳбатдошларидан бири бўлиб қолишига майл билдирган эди.

Ана шу адабиётшунос Навоийнинг маслаҳати билан ўзининг “Бадоеъ-ус-саноеъ” асарини 1493 йилнинг 30 мартда ёзиб тамомлайди. Бу - ёш олимнинг бадиий санъат ҳақидаги муҳим асари эди.

Китобнинг дебочасида маълум бўлишича, уни автор ўз устози А. Навоийга бағишлаган. Атоулло, китоб мундарижасини баён этгандан кейин дебеча қисмида мазкур асарни яратиш йўлида учраган қийинчиликлар ҳақида тўхталади. У, бекорлик чоғларимда санъаткорлик билан айтилган байтларни тўплаб ва бадиий санъатда машқ қилардим, дейди:

Аммо, ҳаёт қийинчиликлари Атоуллога бу машғулоти давом эттиришга имкон бермайди. Муаллиф қуйида бу ҳақда шундай дейди: “Аммо андак фурсату замон мурури ва андак вақту айём ўтиши билан, сафарда куп юриш, мадрасаларда дарслар ўтиш зарурияти йўл бермагани сабабли бу майл орадан кўтарилди...».

Атоулло ўз фикрини давом эттириб, йиллар ўтиши билан бу соҳада тўплаган саҳифалари йуқолиб кетганлигини ачиниш билан эслайди. Аммо бир куни Алишер Навоий Атоуллонинг асар устида қандай ишлаётгани ҳақида сўраб, уни тезроқ давом эттириш ва тугаллашни маслаҳат беради. Муаллиф ана шу ўринда Навоийга бағишланган мувашшаҳ келтиради. Унинг биринчи ҳарфларини кўшиб ўқисак, «Амир Алишер» номи келиб чиқади.

Атоулло устози маслаҳатига амал қилиб, ҳафтада уч-тўрт кунлаб ўтирган ҳолда асарни ёзиб тамомлайдида унга «Бадоеъ-ус-саноеъ»

деб ном беради. Авторнинг китобнинг дебочадан бошқа қисмида ҳам Навоий ҳақида айтган сўзлари ғоят муҳимдир.

«Ҳазрат, - дейди у Навоийга ишора қилиб, - шоирлар оммаси нафъини кўзлаб, муаммо фанига доир ёзилган “Рисолаи муфрадот”-га ўхшаш» тушунарли бир китоб битишга ваъда қилдилар ва унинг номи «Мизон-ул-авзон» бўлишини ҳам тайинладилар. Ҳазрат бағоят умидвордирларким, иш ўнгидан келиб, уни тезликда ёзиб битказсалар, шу фанда мушкулликка йўлиққан ҳар бир киши мазкур китобга мурожаат этиб саволига жавоб топгусидир ...».

Юқорида келтирилган парча бир томондан, «Мизон-ул-авзон» нинг ёзилиши ҳақида маълумот берса, иккинчи томондан Навоийнинг буюқлиги, инсондўстлиги, мушкулкушолиги ҳақида жонли далилдир. Шунингдек, А. Навоий Атоулло ишларидан хабардор эканлиги, уз навбатида Атоулло ҳам дусту, устозининг фикру нияти, фаолиятининг боришидан воқифлиги мазкур парчадан кўриниб турибди.

Шуни айтиш керакки, бу парча фақатгина Самарқандда топилган нусхада мавжуд бўлиб, ҳозир Ленинградда сақланаётган шу асарнинг бошқа инки нусхасида кўзга ташланмайди. Демак, Самарқандда топилган нусха бошқалардан олдинроқ ёзилган бўлиб, анча мукамалдир ва у Атоулло билан Навоий ҳаёт бўлган вақтда кўчирилгани аниқ.

Атоуллонинг Навоий ҳақидаги бошқа бир қайди китобнинг мақлуб санъатига бағишланган қисмида зикр этилган. Мақлуб шундай санъатки, унда сўз ё ибора тескари ўқилса, ўша сўз ҳамда иборанинг ўзи ёки шунга ўхшаш маъно чиқади. Атоуллонинг эслашича, бир куни шоҳзода Мирзо Абубакр Навоийга: «Бир сўз топдим, муставий мақлуби қабилидан» дейди, Навоий: «Қайси сўз?» деб сўраганда, шоҳзода: «Бу-«ковак» сўзидир» - деб жавоб қайтаради. Шу лаҳза Навоий бунга қўшимча қилиб, “шобош” (шоҳ бўл, маъносида бўлса керак) сўзиш айтади. Шоирнинг бу сўзи ҳам муставий мақлубдир, чунки уни ҳам тескари ўқиғанда яна шу сўз ҳосил бўлади.

Атоулло китобининг хотимасида Навоийнинг қаттиққўлиғи, синчковлиғи, сарвар ва меҳрибонлигидан далолат берадиган қимматли далилларни ҳам келтиради.

Ниҳоят, Атоуллонинг Навоий ҳақидаги сўнгги қайдини кўрсатиб ўтмоқчимиз, чунки ў ҳар томонлама диққатга сазовордир.

“Саҳли мумтанеъ – шундай шеърдурки, – дейди у, – бир қарашда бундай шеърни айтиш осон кўринсада, амалда худди шунингдек ёки унга ўхшаш этиб айтиш ғоят мушкулдур. Бунга мисол этиб, тўғри йўл кўрсатувчи дилкашқалом ҳазрати устод Жомий ва ҳазрати худовандгор (А. Навоий, демоқчи) нинг туркий ва форсий байтларини келтириш мумкин”.

Маълум бўладики, Атоулло Маҳмуд Ҳусайнӣ Навоийга нисбатан миннатдорлик ҳисси билан тўлб-тошган сўзлар айтган экан. Хўш, Навоий чи? У ҳам Атоулло ҳақида бирор нарса деганмикин, унинг номини эслатиб ўтганмикин?

Алишер Навоийнинг “Мажолис-ун-нафоис” тазкирасига қараб, бу саволга ижобий жавоб бериш мумкин.

А. Навоий бу асарида Атоулло тўғрисида фикр юритиб “Мир Атоулло Нишонурдандур” дейди. Навоий бу сўзлар билан Атоулло таржимаи ҳолига доир муҳим лаҳзани равшанлантиради, ҳозиргача бу ҳақда адабиётшунослар турли фикрда эдилар. Масалан, Абдулло Кобулий, Шамсиддин Сомий, Саид Нафисий Атоуллони нишопурлик деб ёзишса, Бобир Мирзо, Аббос Иқбол, Козим Имом уни “машҳадли” ва Музаффар Ҳусайний Сабо “Ҳиравий” (яъне, Ҳиротли) дейишган.

Атоулло Нишонпурда дунёга келиб, Ҳиротда касбу камолга эришгани ва Машҳадда вафот этгани учун адабиётшунослар “нишопурлик”, “машҳадли”, “ҳиравий” сўзларини унга нисбат берган бўлишлари мумкин.

Атоуллонинг Нишонпурдан Ҳиротга келгани, илм олгани ва қисқа муддатда забардаст донишманд бўлгани «Мажолис-ун-нафоис»-да жуда сиқик, аммо маҳорат билан

тасвирланган: «Андин (Нишонпурдан Р. М.) илм таҳсили учун шахрга (Хиротга Р. М.) келди. «Қофия» ва «Мутавассит» ўқур эрди. Донишманд бўлгунча бир нав мустаҳкам маошга муваффақ бўлдим, андин ортуқ мумкин эрмас. Бовужуди донишмандлик шеър ва муаммо ва саноедаги дағи маҳорат пайдо қилди. Муаммога машғул бўлур эрди. Ҳоло сабақ касратидан (яъни, мадрасаларда дарсларнинг кўплиги сабабли) анча авқоти вафо қилмас (яъни, вақти етмас)...».

Навоийнинг ахборотини забардаст тарихчи Хондамирнинг «Макорим-ул-ахлоқ», «Хулосат-ул-ахбор», «Ҳабиб-ус-сияр» ва «Равзат-ус-сафо» нинг еттинчи томида ҳам муфассалроқ кўриш мумкин. Маълум буладики, Навоий ва Хондамир ахборотлари орасида ихтилоф деярли йўқ, шунинг учун ҳам Навоийнинг Атоулло ҳақида айтган сузларини шубҳасиз қабул қилса булади.

«Мажолис-ун-нафоис» тазкирасининг тадқиқодчилари гувоҳлик беришларича, бу асар 1490-1491 йилларда ёзилган бўлиб, 1498 йилда қайтадан таҳрир этилиб, мукаммаллаштирилган.

Бизнинг тахминимизча, Навоий Атоуллонинг асарини қўлёзма ҳолатида кўрган. Иккинчи томондан, баъзи бир танқидчилар айтганидек ва «Бадоеъ-ус-саноеъ» даги айрим шеърларидан маълум булганидек, Атоулло «Атоий» («баъзида «Ато») таҳаллуси билан ҳам ижод қилган экан. Шунинг учун автор ўз асарини аввал «Бадоеи Атоий» атаб, кейинчалик «Бадоеъ-ус-саноеъ» деб номлаган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Ҳақиқатан ҳам тожик форс адабиётшунослиги тарихида Умар Родуёний, Рашид Ватвот, Шамс Розий, Тож-ал-Ҳаловий, Шарофиддин Ромий, Хисрав Деҳлавий, Воҳид Табретий сингари бир қатор сиймолар кўплаб асарлар яратган бўлсаларда, илмий-назарий нуқтаи назардан, амалий-тарбиявий аҳамияти ҳамда баҳс доираси жиҳатидан бу асарларнинг ҳеч бири «Бадоеъ-ус-саноеъ» даражасига етаолмайди. Шу сабабдан Навоийнинг мазкур баҳоси жуда ўринлидир.

А. Навоий тазкира ёзишдаги мухтасарлик ва мужазлик талаботига хос бўлган Атоулло маҳоратига ишора қилиб, унинг бир байтини мисол келтиради. «Бовужуди ихтисор, – деб ёзади Навоий, мақлуби муставий санъатидаким, андин мушкилроқ санъат бўлмас, бу байт ул рисолада анинг хосса байтидурким:

Шакар даҳано, ғаме надоред,  
Дар оҳу найи муғона дар каш».

(Мазмуни: ширин сўзли ёр, ғаминг, йўқ, най нолави авжида, кадаҳни тўлдир).

Бу билан чекланмасдан, яна таъкидлайди: «Анинг таъби диққатига бу байт далел басдур».

Навоий ўз ахбороти охирида Атоулло дунёқарашини ўрганиш учун катта аҳамиятга эга бўлган масала – олим шахсиятига тегишли фикрларни ҳам айтиб ўтади.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, Атоулло ҳақида Хондамир, Восифий, Абдулло Кобулий, Музаффар Ҳусайн, Сабо, Ҳожи Халифа, Шамсиддин Сомий, Аббос Иқбол, Саид Нафисий каби донишманд, шоилар ҳам маълумот беришган, лекин уларнинг ҳаммасидан Навоийнинг берган маълумоти анча мукаммал, ҳақиқатга мувофиқроқдир.

Хуллас, биз XV-XVI асрлар адабиёт ва маданияти тарихини ҳар қанча мукаммал ўргансак, Навоийнинг ўлмас сиймоси кўз олдимизда шунчалик буюқ ва тўла гавдаланаверади, унинг тожик илму адабиёти ривожини йўлида қилган хизматлари шунчалик аниқ намоён булверади.

**Р. МУСУЛМОНҚУЛОВ,**  
**филология фанлари кандидати.**